

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



БОШ ВАЗИРНИНГ КЕНТОВГА САФАРИ

Туркистон вилоятига хизмат сафари давомида Қозоғистон Бош вазир Алихан Смайилов Кентов шаҳрининг Иссиқлик энергия марказига ташир буюриб, иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди.

Ушбу энергомарказ 3 мингдан зиёд иншоотни, жумладан, кўп қаватли ва хусусий уйлар, турли ташкилотларни иссиқлик билан таъминлайди. Ҳозир у ердаги қозонхоналар тубдан таъмирланмоқда.

– 4та қозонхона таъмирдан чиқарилган. Шаҳарда иситиш



мавсуми 1 ноябрда бошланади. Унгача қолган 2та қозонхона ҳам таъмирланиши зарур, – деди Бош вазир. Бош вазир вилоят ҳоким-

лигига иситиш мавсумининг бенуқсон ўтиши учун ускуналарни сифатли равишда ишга тушириб, назорат юртишни топширди.

ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ



Қозоғистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирининг буйруғи билан Туркистон вилояти Фавқуллода вазиятлар департаментининг бошлиғи этиб полковник Асқар Тўлешов тайинланди. У муқаддам Ақтўбе вилояти Фавқуллода вазиятлар департаменти бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарган.

Янги раҳбарни Фавқуллода вазиятлар вазирининг ўринбо-

сари генерал-майор Бауржан Сиздиқов таништирди. Вазир ўринбосари янги раҳбарни лавозимга тайинланиши билан табриклаб, вилоят аҳолисининг хавфсизлик маданиятини оширишни топширди.

Тадбирда Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди янги раҳбарга муҳим мажбуриятлар юкланаётганини айтиб, фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий ускуналар билан таъминлаш топшириғи доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиздаги 4та туман марказий шифохоналарини таъмирлаш режаланиб, республика бюджетидан маблағ ажратилди. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, сўнгги русумдаги ускуналар харид қилинади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев Саригоч туман шифохонасидаги таъмирлаш ишлари билан танишди. Пудратчи компания “АГС-ПЛАСТ” МЧБ июнь ойида ишга киришган.

Таъмирлаш жараёнига 45 ишчи жалб қилинган бўлса-да, иш белгиланган муддатдан кечикмоқда. Ҳоким муовини пудратчи компания ва мутасадди раҳбарларга камчиликларни

МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА



бартараф этиб, ишчиларни қўлайлиги билан таъмирлаш топширди. Хориждан келтирилаётган тиббий ускуналар ҳам қатъий назоратга олинган. Техник назорат қилувчи корхонага йўл қўйилган

камчиликларни бартараф этиш топширилди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йилда Ўрдабоши туман марказий шифохонаси тубдан таъмирланди. Жорий йил сўнгиги-

ча Саригоч ва Жетисай туман марказий шифохоналари таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши керак. Сайрам туман марказий шифохонаси 2024 йилда таъмирланади.



ЖАМИЯТ УЧУН БИРЛИК МУҲИМ



Вилоят ҳокимлиги “Жамоат тотувлиги” бошқармасида республика миқёсида ташкил этилган, турк этномаданият бирлашмаси вакили, модератор Р. Ахметов бошқарувида ўтган “Жамоат тотувлиги ва ОАВ” мавзуидаги онлайн анжуманида ҚР Парламент Мажлиси депутаты Ж. Ашимжанов, иқтисодиёт фанлари доктори Б. Сержанов, “Sana” халқаро илмий тадқиқот маркази бошқарувчи директори Азамат Қўжбановлар маърузаси тингланди. Таниқли жамоат арбоби А. Ўсманова ўз фикрларини баён этди.

Жамиятимизда муаммага айланган ижтимоий тармоқларда миллий низоларга сабаб бўладиган уйдирма, сохта тафсилотларни тарғиб қиладиган фуқароларга қонун доирасида қатъий чоралар қўрилиши даркор. Хусусий ОАВ ҳам жиддий назорат қилинса, фойдадан холи бўлмайди. Зеро, жамиятимиз учун энг аввало тинчлик, осойишталик, бирлик ва ҳамкорлик даркор.

Тадбирда вилоят жамоат тотувлиги ДҚК раҳбари ўринбосари Е. Баётов, турли этномаданият бирлашмалари вакиллари, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаолларидан З. Муҳаммаджонов, Ш. Мадалиевлар иштирок этди.

Р. МАДАЛИЕВ.
Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ИМКОНИАТЛАР

Мамлакатимиздаги ягона махсус касб-хунар коллежида таҳсил олаётган таянч-ҳаракат тизимида нуқсон бор 1, 2, 3-гуруҳдаги ногирон болалар паралимпиада спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Туркистон вилояти Кентов шаҳрида “Самурық-Қазына” ХЖ компаниялар гуруҳининг ягона хайрия оператори “Самурық Қазына Trust” жамғармаси ташаббуси билан илк бор мослаштирилган спорт бўйича спорт тўрагагини очди.

“Соғлом келажак” лойиҳасининг мақсади – ўзгача парваришга муҳтож болалар ва ота-оналарининг орзуларини рўёбга чиқариш. Таъкидлаш жоизки, жамғарма ташаббуси билан вилоятда сўнгги 5 йилда 1,8 млрд. тенгелик 23та лойиҳа амалга ошди.

Туркистон шаҳрида “Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” ДҚК ташаббуси билан “Ажойиб буви” вилоят танлови ўтди. Унда Ўтрор, Саврон, Чордара, Мақтаарал, Жетисай, Келес, Сўзақ, Саригоч, Кентов шаҳридан қариялар иштирок этди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН КУН

Тадбирдан кўзланган мақсад – аҳоли ўртасида миллий анъаналарни кенг тарғиб қилишдан иборат эди. Иштирок этувчилар болани бешикка белаш маросимини намоиш этишди ҳамда миллий чолғу-асбобларда куй ижро этиб, миллий либослар тикиш бўйича куч синашди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўринни туркистонлик Кулгин Айимбетова, 2-ўринни чордаралик, 3-ўринни келеслик бувилар гуруҳи эгаллади.



БЕМИННАТ ДАВЛАТ ЁРДАМИ БЕРИЛАДИ



Иссиқхона хўжалигини субсидиялашга қўйиладиган талаблар ва иссиқхоналарни андазалаш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йилдан эътиборан, Қозоғистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги иссиқхона хўжалигини субсидиялашни йўлга қўйди, иссиқхоначилик билан шуғулланадиган ширкатлар орасида тушунтириш ишлари юритилмоқда.

2023 йил август ойида Қазигурт туманининг Маданият уйида деҳ-

қон хўжаликлари вакиллари билан учрашув уюштирилиб, уларга субсидиялаш талаблари тушунтирилди. Туман тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги бўлими мудир Нурбай Қалдикўзов ва “Миллий тадқиқот ва сертификатлаш маркази”нинг Жанубий филиали бўлими раҳбари ўринбосари Сакен Тулеев “Иссиқхона хўжалигини субсидиялаш талаблари ва иссиқхоналарни андазалаш” қоидалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

ИЖОДКОРГА ЭҲТИРОМ



Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашди. Унда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарма раисининг ўринбосари Қасимхан Бегманов, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, танқидчи Армиябек Айт, фалсафа фанлари доктори, профессор Қансейит Абдзули, шоир, “Туркистан” халқаро газетаси бош муҳаррири Бауржан Бабажанули, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси Туркистон вилоят филиали раиси Айдар Сейдазим, “Turkistan Media Holding” МЧБ бошқарувчи директори Тельман Бейсен ҳамда вилоят маданият ва туризм бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими муовини Қасимхан Бегмановни таваллуд куни билан қутлаб, минтақада амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Йил охиригача ижодкорлар билан 20та адабий учрашув ўтказиш режаланганини таъкидлади. Ушбу учрашувлар туман ва шаҳарларда ўтказилади.

Учрашув иштирокчилари Туркистон шаҳридаги ўзгаришларга ижобий баҳо беришди. Шундан сўнг, «Фараб» кутубхонасида «Қўшиғимсан сен, туғилган юрт!» мавзуида Қасимхан Бегмановнинг ижодига бағишланган адабий-муסיқий кеча уюштирилди. Унда шоир қаламга мансуб қўшиқлар ижро этилиб, театр артистлари сахнани асарларини намоиш этишди. Ижодкорга вилоят ҳокимининг совға-саломлари топширилди.

Шундай учрашувлар Саврон тумани ва Кентов шаҳрида ҳам ижодкор билан уюштирилди.

» Ш. Ниёзов номли мактабнинг
90 йиллиги арафасида

ТУРКИСТОН ТАРИХИ БИЛАН МУШТАРАК



Келгуси 2024 йили вилоят
марказидаги мактабимиз 90
ёшга тўлади. Ўқув даргоҳи
тарихи ўтган аср – олис
1934 йилдаги “Ўртоқ” бош-
лангич мактабидан бошла-
нади.

Илм масканимиз 1946 йили
тўлиқсиз ўрта, 1973 йилдан
ўрта мактаб мақомига эга бўл-
ди. 1969 йили мактабимизга
СССР халқ депутати, Арис –
Туркистон канали қурилишига
И. Сталиндан рухсат олган
донгдор деҳқон Шароф Ниёзов
номи берилди. Мактабимизга
маориф соҳасининг заҳматкаш
даргалари раҳбарлик қилган.
Дастлабки йиллари Қосим
Мансуров, уруш йиллари Ота-
хон Жалилов, сўнг Турсунбой
Алиев, Эргаш Диметов, Ҳикма-
тулла Ажиметов, Ҳусан Диме-
товлар директорлик қилишди.
Жуда кўп таниқли инсонлар,
турли соҳада улкан ютуқларга
эришган пешқадам ҳамюртла-
римиз мактабимизнинг собиқ
ўқувчиларидир.

“Жанубий Қозоғистон” га-
зетаси саҳифаларида макта-
бимиз ҳаёти, хусусан, СССР
халқ депутати Шароф Ниёзов
билан биргаликда Арис – Тур-
кистон канали қурилиши бош-
ланишига муносиб ҳисса қўш-
ган таниқли давлат ва жамоат
арбоби Нуртас Ўнгдасинов
ҳаёти ҳақида кўплаб мақола-
лар эълон қилинаётганлиги
барчамиз учун фахр. Ш. Ниё-
зов таваллудининг 125 йил-
лиги муносабати билан 2012
йили мактабимиз ҳовлисида
Туркистон шаҳар ҳокими А.
Ўсербавевнинг ҳиммати, вилоят
маслаҳати депутати Р. Танир-
бергеновнинг фаол иштироки
ила ёдгорлик – унинг бюсти
очилгани ҳам шонли тарих.

2024 йил биринчи ярмига
обунани ташкил этиш хусуси-
да тахририятдан расмий мак-
туб олдик. Ўқитувчилар, синф-
ларнинг ота-оналар қўмитала-
ри, тадбиркорлар, жамоат
ташкилотлари, касаба уюш-
маси – барчамиз ҳамкорликда
обунани пухта ташкил этишга
муносиб ҳисса қўшамиз. Дав-
латимизнинг тинчлик, тотув-
лик, ҳамкорлик сиёсатини она
тилимизда халқимизга тарғиб
этаётган ушбу нашр барчамиз
учун мўътабардир.

Равшан АБДУРАИМОВ,
Ш. Ниёзов номи
мактаб директори
вазифасини бажарувчи.

» Обуначиларимиз орасида

ШОИР ВА ТАРЖИМОН – “ОЛТИН КИТОБ”ДА

Қарноқ қишлоғидаги Маҳмуд Қошғарий номли мактабнинг
олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, шоир, Қозо-
ғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 10 минг ва 30 минг сўздан
иборат “Қозоқча – ўзбекча”, “Ўзбекча – қозоқча” лугатлар, жами
12 китоб муаллифи Долимжон Сайфуллаев республика миқёсида
нашр қилинадиган “Олтин китоб”га киритилди.



Ҳар йили “Жанубий
Қозоғистон” газетаси
обунасига 20 донга шах-
сий ҳиссасини қўшиб ке-
лаётган иқтидорли шоир
ва таржимонни ушбу
улкан ютуқ ила муборак-
бод этамиз.

Долимжон Сайфул-
лаев кўп қиррали ижод-
кор, дорбоз, танбур, ду-
тор, ғижжак, най каби
кўхна санъатимиз дурдоналари
билан танилган Қарноқ қишлоқ
ўзбек этномаданият бирлаш-
масига кўп йиллар самарали
раислик қилган.



Жорий йилда
Шимкент шаҳридаги
Абай истироҳат боғи-
да ўтган “Ўзбек тили,
маданияти ва анъа-
налари” байрамида
ҳам фаол иштирок
этди. Отабой қишлоғи
Қарноқ номи қайтарилишида
хизматлари кўп бўл-
ган. Долимжон Сай-
фуллаев машҳур ҳамқишлоғи,
адиб Одил Ёқубов анъана-
ларини изчил давом эттириб
келмоқда. Марҳабат Байғут,
Шерхан Муртаза, Нурмахан

Назаров каби адибларнинг ки-
тобларини ўзбек тилига ўгириб,
нашр қилдирган. Ўтган йили
Қозоғистон Ёзувчилар уюшма-
си котиби, Қулбек Ергўбекнинг
“Инсоннинг бир қувончи фар-
занд эрур” асарини (тасвирда)
ўзбекчага таржима қилиб, чоп
этирди.

Туркий халқлар кутубхона-
сида ўтган китоб тақдироти-
да муаллиф Қулбек Ергўбек,
вилоят ёзувчилар уюшмаси
бўлими раиси Айдар Сейдазим,
Туркистон шаҳри ва Саврон
тумани ёзувчи-шоирлари ҳам-
да фаоллари иштирок этди.

Долимжон Сайфуллаев атоқли
адиблар Миртемир Турсунов,
Одил Ёқубов, Носир Фози-
ловлар хотирасига бағишлан-
ган тадбирларда ижоди билан
фаол иштирок этиб келмоқда.

Қозоғистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси сифатида
турфа мақолалари газета са-
ҳифаларида чоп этилмоқда.
Ўтган йили Д. Сайфуллаевнинг
30 минг сўздан иборат лугат
китоби чоп этилганида ёзувчи
ўғлини падари бузруквори, 90
ёшдаги Муҳаммадрасул ҳожи
ота (тасвирда) сამимий мубо-
ракбод этган эди.

Бу лаҳзалар ҳам ширин хоти-
ра ва шонли тарихга айланди.

Р. МАДАЛИЕВ.

Ш. МАДАЛИЕВ
суратга олган.

Р.С: Келгуси йили
таваллудига 55 йил тў-
ладиган иқтидорли шоир,
таржимон Долимжон Сай-
фуллаевни “Олтин китоб”
тантанаси билан самимий
муборакбод этиб, мус-
таҳкам саломатлик ҳамда
янги ижодий зафарлар ти-
лаб қоламиз.

» Аёл ва жамият

ОРЗУЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ

Аёл... У она, уй бека-
си, тадбиркор ва жамоа-
да раҳбар... Қандай касб-
да фаолият юритишдан
қатъиназар, аёл ўз нафо-
сати, меҳру муҳаббати
ила борлиқни ўзида жо
эта олади.

Ўз ҳаётимиз, яъни журна-
лист хотин-қизлар ҳаётидан
биргина мисолни айтиш. Сиз
ҳар кунги экран орқали хавас
билан қарайдиган тележур-
налист аёл биргина кўрсату-
в учун қанча куч сарфлаши,
ҳат-
тун ярмига қадар монтаж-
хоналарда бедор ишлашини
кўз олдингизга келтира ола-
сизми? Кўрсатуви тайёр бўл-
гандан кейин уйига йўл олар-
кан, дилидан нелар ўтиши,
оиласини қанчалик соғиниши,
шу билан бирга алламаҳалда
кириб келгани турмуш ўрто-
ғига қандай таъсир қилишини
ўйлаб, ўзини худди гуноҳкор-
дек сезиши, уни қай ҳолатлар-
га солмайди, дейсиз.

Ё бўлмаса, газета чиқади-
ган кунлар тунни ишда бедор
ўтказган, уйда фарзандлари-
ни ёлғиз қолдирган ижодкор
аёл кўнглидаги кечинмалар...
Айтишингиз мумкин, бунга
уларни ким мажбур қилибди,
деб. Бошқа касбни танлашса



ҳам бўладику? Аммо уларни
мажбур қилган биргина нар-
са бор: жамиятга, касбига
бўлган чексиз меҳр, худудсиз
муҳаббат, фидойилик. Аёл ва
жамият ўртасидаги боғлиқлик
ҳам ана шунда.

Вилоятимизда халқ хўжа-
лигининг ҳамма жабҳаларида
хотин-қизлар, миллатимизнинг
фахри бўлган опа-сингилла-
римиз фаолият юритишади.
Улар орасида тележурналис-
тика соҳасидаги меҳнати учун
вилоят маслаҳатининг фахрий
Ёрлиғи билан тақдирланган
Дилбар Мамаева ҳам бор.
Давлат тилида кўрсатувлар
тайёрлаб, “Айғақ” телеви-
дидеосида журналист сифатида
фаолият юритаётган Дилбар
ушбу соҳада меҳнат фао-

лиятини 1987 йили Тўлебей
туман газетасида бошлади.
Чорак асрга яқин вақт ичида
юзлаб публицистик мақола-
лар, шеърлар, ҳажвиялар ва
очерклар ёзди.

Сўнг «Айғақ ТВ» газетасига
бош муҳаррир этиб тайинлан-
ди.

– Аввало, таъкидлаш жоиз-
ки, биз яшаётган давр жуда
шиддатли, – деди тележурна-
лист. – Унинг суръатига дош
бериш, у билан қадам-бақа-
дам яшаш осон эмас. Лекин
шуни ҳам унутмаслик керакки,
бу давр янгиликларни инсон, ўз
замондошларимиз тафаккури
маҳсули, олиб борилаётган
янгиликлар бугунги кун
талаби. Демак, даврдан ортда
қолиш кўп нарсани йўқотишга
сабаб бўлади. Бугунги кун
аёли ҳам албатта, ортда қо-
лишни истамайди. Аёл руҳия-
тидаги ўзгаришлар ҳам шунга
монанд.

– Ижодкор ҳали тирик экан,
қўлида ҳали қалам юриб тур-
ган экан, у ҳамиша йўлда
бўлади. Навбатдаги савол –
ҳозирги ижодингиздан қандай
мавзулар ўрин олган?

– Биласизми, “Илгари мен
кўпроқ мана бу мавзуда ёзар
эдим, ҳозир бошқага ўтдим”
деган фикр йўқ менда. Доимий

мавзулар. Доимий ўша одамни
безовта қиладиган, айтилик
қувонч ва ташвишлар мавзу-
лари мен билан. Юрак тирик
экан, инсоннинг юраги, айниқ-
са ижодкорнинг юраги таранг
тортилган торга ўхшайди. Бир
ҳодиса ёки бир нарсаси чертиб
кетдим, шу мавзу ижодкор-
нинг ҳаёлида ғужгон уриб
тураверади. Бошқа соҳаларда
меҳнат қиладиган аёлларимиз
ҳам давр билан ҳамнафас,
ҳамоҳанг бўлиб, ўз соҳасида
фаоллик кўрсатиб, меҳнат
қилиб келаётганига ишончим
комил. Бугунги ўзбек аёллари
ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган ва
ҳаёт тўфонларидан ўзини ҳи-
мом қила оладиган заковатли
хилқат. Ўзбек аёллари ораси-
дан энг замонавий ихтисослар
бўйича йирик мутахассислар
етишиб чиққани, ўзбек қизла-
ри фирма ва компанияларни
эркаклардек бошқараётгани,
энг замонавий компьютер ва
бошқа ахборот коммуникация
технологиялари билан иш-
лаётгани давр аёлининг ру-
ҳиятидаги катта ўзгаришдир.
Хулоса қиладиган бўлсам,
бугунги аёл дунёга бугуннинг
нигоҳи билан қарайди.

Б. РЎЗИМАТОВА.

Келес туманидаги “Нўржан” деҳқон хўжалиги раиси
Нуржан Умаров иссиқхонасида тропик ўсимликларни
парвариш қилмоқда. У чет давлатларга қилган сафар-
ларида шу минтақаларда етиштирилаётган ўсимликлар
урғунини олиб келиб, иссиқхонасида маҳаллий иқлимга
мослаштирмоқда.

– 2006 йилдан буён иссиқхона хўжалиги билан шуғуллана-
ман. Бугунги кунда 5,6 гектар ердаги иссиқхонада 60 нафарга
яқин киши меҳнат қиладди. Йил давомида аҳолини сабзавот би-
лан таъминлаш баробарида иссиқ ўлкаларда ўсадиган кокос,
лимон, киви, маракуйя ва папайя етиштиришни тажрибадан
ўтказмоқдамиз. Ўтган йилда кокосни ерга ўтказдик. У бу йил
нишона берди. Лимонларимиз ҳам мева бермоқда. Келажақда
уларни очик майдонда парваришлаймиз, – деди Н. Умаров.

“Нўржан” деҳқон хўжалиги иссиқхоначилик фаолияти билан
шуғулланадиган Келесдаги йирик мажмуа. Улар иссиқхоналар-
да фойдаланиладиган плёнка, қисқич, махсус зичланган ип ҳам
ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

КЕЛЕСДА ТРОПИК МЕВАЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саврон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебей — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хурийд ҚўЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90. Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродрлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҲРОНБОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Нашр кўрсаткичи – 55466. Адади – 12100 нуска. Бўғим: 2628	Набатчи муҳаррир: Хурийд ҚўЧҚОРОВ.